

## “ИМКОН”нинг имкониятлари

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши мажлисининг 2018-йил 8-февралдаги 4-сон баёнига асосан 2018 йилда ташкил этиладиган "Ёшлар - келажак бунёдкори!" шиори остида ўтказиладиган "Ёшлар фестиваллари" доирасида олий таълим муассасалари талабалар театр студияларининг фестивалини ташкил этилиши белгиланган.

Мазкур баён ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасалари талабалар театр студияларининг фестивалини ташкил этиш ва уни ўтказиш юзасидан Республика Ташкилий қўмитаси йиғилишининг қарори қабул қилинди.

Юқорида қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида 2018-йил 13-апрел санасида институтимизнинг бир гуруҳ иқтидорли, истеъдодли талабаларидан ташкил топган "ИМКОН" институт театр студияси фестивалнинг саралаш босқичида 1-ўринни қўлга киритиб, кейинги босқичга йўллангани қўлга киритишди. Институт жамоаси ва талабалар номидан "ИМКОН" жамоаси ҳар бир аъзосини табриклаймиз ҳамда кейинги босқичда омад тилаймиз.



**Маданият саройи раҳбари Ж.Комилжонов, Институт ёшлар етакчиси А.Бердимуродовлар  
ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов.**